



Ислом Нури

Муовия розияллоҳу анху ривоят қилган ҳадисда: «Муаззинлар қиёмат куни энг бўйинлари узун одамлар бўлади» деганларини эшитдим, дейди.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Муовия розияллоҳу анху: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Муаззинлар қиёмат куни энг бўйинлари узун одамлар бўлади» деганларини эшитдим, дейди.

Муавийа розияллоҳу анху ривоят қилган ҳадисда: «Муаззинлар қиёмат куни энг бўйинлари узун одамлар бўлади» деганларини эшитдим, дейди.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Саид розияллоҳу анху: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Муаззиннинг овозини етиб борган жойигача инсу жинми, бошқа бирон нарсами эшитган бўлса, Қиёмат куни албатта унга гувоҳлик беради» деганларини эшитганман, дейди.

Абу Хурайра розияллоҳу анху ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар одамлар азон



Ислом Нури

айтиш ва биринчи сафда туришдаги ажр-савобни билишганда эди, унга эришиш учун қуръа ташлашдан бошқа йўл топмасалар, албатта қуръа ташлаган бўлишарди. Агар намозга эрта келишдаги ажр-савобни билишганда эди, ким ўзар қилиб келган бўлишарди. Агар хуфтон ва бомдод намозидаги ажр-савобни билишганда эди, бу намозларга эмаклаб бўлса-да, келган бўлишарди», дедилар.

Шарх:

Азон Ислом динининг муҳим шиорларидан ва фазилатли ибодатлардан бири ҳисобланади. Азон айтган кишига Аллоҳ таоло катта ажр мукофотларни ваъда қилган, агар одамлар бу савобнинг миқдорини билишса эди, азонни мен айтаман, мен айтаман деб таллашиб охири ўрталарида қуръа ташлашга мажбур бўлишар эди. Муаззинлар дунёдалик пайтларида овозларини Аллоҳнинг зикри билан узоқ-узоқларга етарли даражада кўтарганларига мукофот тариқасида Қиёмат кунида ҳамма терга ботиб турган вақтда энг бўйни узун одам бўлиб туришади ва азон айтган пайтларида уларнинг овозини эшитган бор мавжудот бу Куни уларга гувоҳлик беради.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Азон улуғ, фазилатли ибодат.
2. Қиёмат куни одамлар заҳматда терга ботиб, даҳшатга тушиб турган оғир соатда муаззинлар энг узун бўйинли одамлар бўлишади.
3. Азонни эшитган ҳамма махлуқот қиёматда уларга гувоҳлик беради.
4. Овозни баланд қилиб азон айтиш мустаҳаб.